

CHIRCHIQ TONGI

**Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi**

**2025-yil, 11-iyul JUMA
27-son (10274)**



ЧИЛЛА - СИНОВЛИ ПАЛЛА

Ўзбекистонда ёз фасли нафақат иссиқ кунлари билан, балки халқона "Ёз чилласи" деган ибора билан ҳам машхур. Бу табиий ҳодиса июнь ойининг 25 санасидан бошланиб, 40 кун давом этади. Ёз чилласи қурғоқчилик ва гармсёл шамоллари билан инсон саломатлиги учун ҳам жиддий синов даври ҳисобланади. Чилла – форсча сўз бўлиб, "40 кун" маъносини англатади.

Ёз чилласида ҳаво ҳарорати 40-45 даражагача, баъзан ундан ҳам юқори кўтарилади. Ер қатлами қизиб, сув манбаларида сув сатҳи камаёди. Ёмғир ёғмайди, ўсимликлар сувсизликдан жабр кўради.

Бугунги кунда ёз чилласида аҳолининг саломатлигини асраш учун соғлиқни сақлаш идоралари томонидан махсус тавсиялар берилади. Улар қуйидагилар: қуёш тўғридан-тўғри тушадиган пайтларда ташқарига чиқмаслик (соат 11:00 дан 17:00 гача), енгил ҳаво ўтказувчи кийимларда юриш ва кўп миқдорда сув ичиш, қариялар ва болаларни иссиқдан муҳофаза қилиш, соя-салқин жойларда дам олиш, хоналарни шамоллатиб туриш ва ҳаво намлигини сақлаш, сувни тежаб сарфлаш. Шунингдек, мева-сабзавотларни, қатқил таомларни кўпроқ истеъмол қилиш зарур.

Ёз чилласи – бу фақат табиатдаги иссиқлик эмас, балки халқ ҳаётида шаклланган сабр, маданият ва ҳаёт тарзининг ифодасидир. Халқимизнинг бу даврда амал қилган одоб-ахлоқлари, удумлари ва ҳаётга мослашуви – миллий меросимиздир. Табиатга эҳтиром, инсон соғлиғини асраш ва турмуш тарзини мослаштириш орқали чиллани енгил ўтказиш мумкин.

Раҳбар минбари

**БУНДАЙ ЎЛКАДА
ЯШАШНИНГ ЎЗ
ГАШТИ БОР**

2 →

Экологик чақириқ

**ЧИҚИНДИ
ТАШЛАШ ҲАМ
МАДАНИЯТ**

3 →

Илғорлар ҳақида ҳикоялар

**МЕҲНАТ – УМРГА
ФАЙЗ,
ХОНАДОНГА
БАРАКА**

6 →

Юртимизнинг тобора чирой очиб, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда эришилаётган ижобий ўзгаришлар кишига мадад, руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Айниқса, сўнгги йилларда ҳудудларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кўлами жиҳатидан барчани лол қолдирмоқда. Ўз архитектурасига кўра бетакорор жилвага эга, осмонўпар «Siti»лари бўлган марказлар мамлакатимизда сон жиҳатидан кун сайин кўпайиб, шаҳарларимизга ўзгача салобат ва виқор бағишлаётгани, одамларимизда ўз шаҳри билан

дий ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Унда 2 та ДМТТ, 3 та мактаб, 1 та соғлиқни сақлаш мажмуаларини бунёд этиш кўзда тутилган. Биргина ўтган 2024- йилнинг ўзида шаҳримизда 13 та – жами 668 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бундай улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини бажаришда «WISDOM HILL», «ASIMUT-MIG», «BIG INVEST GROUP» каби МЧЖларнинг борлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш жоиздир.

Мамлакатимизда бўлгани

фасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу Фармон ўз вақтида қабул қилинганлиги ва уй-жой муаммоларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этганлиги билан қимматлидир. Тарихий қурилиш ишлари бошланган дастлабки йилнинг ўзида «Янги Ўзбекистон» массивининг ўзида 14 та 720 ўринли кўп қаватли уйлар бунёд этилган бўлса, 2023 йилда яна 5 та 236 хонадонли уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. Ўтган йилда эса 668 хонадонли 13 та кўп қаватли уйлар қурилди. Шундан 4 таси янги массивга тўғри келмоқда. Чунки, барча

кўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека кредитлари, субсидиялар ажратишда кўмаклашган маҳалла, банк тизими ходимларининг ҳам салмоқли ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шаҳримизда қад ростлаётган бинолар давр ва замон талабларидан келиб чиқиб, янгича қиёфа ва кўринишларга эга бўлмоқда. Соҳада «яшил» стандартлар, энергия тежамкор технологиялар, «ақлли шаҳар», «ақлли уй», рақамлаштириш, инновацион ғоя тамойиллари фаол қўллана бошланди. Бу эса бунёдкорлик ишлари равнақида ва уни янги

эдилар. Шу асосда аҳоли хонадонларига қуввати 0,214 МВт бўлган, ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига 13 та қуввати 0,124 МВт, тадбиркорлик субъектларининг биноиншоотларига 12 та қуввати 3,4 МВт, кўп қаватли уй-жойларга 8 та қуввати 0,1 МВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Натижалар чакки эмас. Қуёш панеллари ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Демак, бу борадаги ишларимизни янада юқори даражага кўтариш – замон талаби бўлиб турибди.

Бутун дунёда энергетика

БУНДАЙ ЎЛКАДА ЯШАШНИНГ ЎЗ ТАШТИ БОР

фахрланиш ҳиссини уйғотаётгани бугун бор гап. Бу ҳам бўлса, ўзбек халқининг ўз олдига қўйган умидбахш мақсадлари, орзу-ҳаваслари, ўзлари қурган бинолари сингари нақадар юксак эканлигининг яна бир ёрқин тимсолидир.

Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб, одилона олиб бораётган доно сиёсати ўлароқ, ислохотлар натижадорлиги ошиб, ўзининг ҳаётбахш натижаларини бермоқда. Бу ислохотлар ўз мазмун-моҳияти билан инсон манфаатига йўрилгани ва айни дамда шу олижаноб мақсадларга хизмат қилаётгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ҳар бир инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун албатта, унинг уй-жойи – «кичик ватани» бўлиши керак.

Президентимиз давлат раҳбари лавозимида иш бошлаган дастлабки кунларданок, бу ўта муҳим масала ечимига қаратилган дастур ва қарорлар қабул қилганлиги бежиз эмас. Мамлакатимиз миқёсида қисқа муддатларда тенгсиз бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Бугун Ўзбекистон том маънода ҳам улкан қурилишлар майдонини эслатади. Муҳими, одамларни энг кўп ташвишга соладиган уй-жой масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунга шаҳримиз мисолида барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу яқин йиллар ичида Чирчиқ мамлакатимизнинг нафақат йирик саноат шаҳри, балки, ўзининг улкан салоҳиятли қурилишлари билан дунё таниган мегополислардан бирига айланиб улгурди, десак асло хато қилмаган бўламиз. Яқин йиллар ичида моҳир ва фидойи қурувчиларимизнинг меҳнати ва салоҳияти билан иқтисодиётимизнинг бошқа жабҳалари қатори кўз ўнгимизда қад ростлаётган замонавий ҳамда барча қулайликларни ўзида мужассам этган турар-жой бинолари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, муҳандислик коммуникациялари, кенг, равон йўллар қурилиб, шаҳримиз кун сайин, соат сайин янада ёшариб, тобора гўзал манзара кашф этиб бормоқда.

Қурилиш соҳаси бугунги кунда иқтисодиётнинг таянч тармоқларидан бири сифатида яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан шаҳримизда 70,031 млрд сўм маблағ эвазига 9 та иқтисо-



Раҳбар минбари

каби шаҳримиз аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ва уларнинг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ҳам шунга мутаносиб равишда ошиб бораётгани бугун ҳаммага маълум. Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишларнинг бирида ҳокимларга қарата, уй-жой қуришга фақат ижтимоий масала деб эмас, балки, ҳудудни иқтисодий ривожланишида «драйвер» сифатида қараш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Шу сабаб ҳам ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ўта муҳим вазифа – соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш, бош режага биноан шаҳарсозлик ривожига янгича мезонлар асосида ёндашишни қурувчиларимиз ўзлари учун дастуриламал, деб биладилар ва шу асосда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Бу таъкид билан фуқароларимизнинг уй-жой муаммолари тўла ҳал этилди, дейиш фикридан йироқмиз. Ҳали олдимизда катта ҳажмда кўп қаватли уй-жойлар қуришдек масъулиятли вазифа турибди.

Президентимизнинг шаҳримизга ташрифи чоғида «Янги Ўзбекистон» массивини бунёд этиш борасида берган кўрсатмасига асосан, «Ифтихор» маҳалласига ёндош ҳудудда қад ростлаётган шаҳарча чирчиқликларнинг чинакам севимли маскани, шаҳримиз мўъжизаси десак, асло муболаға бўлмаса керак. Жами 49 гектар майдонни эгаллаган жойда янги бош режага биноан барча муҳандислик-коммуникацияларга эга бўлган 79 та уй-жойлар қурилади. Булар асосан 7, 9, 12 ва 16 қаватли уй-жойлардир. 5584 та хонадонга мўлжалланган турар жой мажмуасида ишлар асосан уч босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Уни бунёд этишда давлатимиз раҳбарининг «Янги Ўзбекистон массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони асосий дастур вази-

жойларда бўлгани каби шаҳримизда ҳам уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳали-ҳамон юқори бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан шу йилнинг ўзида шаҳримизда 23 та жами 1356 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қурилишида ишлар жадал кетмоқда. Шундан яна 620 оилага мўлжалланган уйлар янги массивда қад ростлаётгани қувончли воқеа. Уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда ҳам 18 та турар-жой бинолари шаклланиб, тобора гўзал манзара кашф этиб бормоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бунёдкорларимиз саъй-ҳаракати билан қурилаётган аксарият бу каби замонавий уйлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, муҳандислик коммуникациялари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари билан уйғун равишда бунёд этилаётгани аҳамиятлидир. Шу билан бирига, йўл ва йўлакчалар, болалар ўйин майдончалари ташкил этилмоқда. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, боғ ва гулзорлар ташкил этилмоқда. Ҳамшаҳарларимиз таъбири билан айтганда, «Янги Ўзбекистон» массиви ўзининг салобати, меъморий мураккаб кўриниши билан, яққол кўзга ташланиб, у аллақачон «шаҳар ичидаги шаҳарча» номини олиб улгурди. Замонавий инновация ва инвестицияларни жалб этган ҳолда массивда бундан буён ҳам бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш олдимизда турган бош вазифадир.

Янги уйларга кўчиб кирган ва кирадиган кўплаб хонадон соҳиблари ватан ичра ватан бўлган, ҳамма шарт-шароитларга эга биноларни қуриб берган, уй-жойларни расмийлаштиришда амалий ёрдамларини аямаган мутасадди-раҳбарлардан ва бунёдкорлардан чексиз миннатдор. Уй-жойга муҳтож фуқароларни ўз вақтида молиявий

босқичларга олиб чиқишда асосий роль ўйнамоқда, деб дадил айтиш мумкин.

Дарвоқе, суҳбатимиз мавзуси шаҳарсозлик тараққиёти ва ривож ҳақида борар экан, уй-жой ҳамда шаҳримиздаги ижтимоий соҳа мажмуалари қаторида равон йўл ва кўприклар, фавворалар, инфратузилма объектлари, сув, газ, электр, иссиқлик билан таъминлашни янада яхшилаш борасида олиб борилаётган амалий ишларсиз соҳа фаолиятини батафсил тасаввур этиш қийин. Зеро, шуларни ҳисобга олган ҳолда, йўл ва транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа мажмуаларида муайян қурилиш ва ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади.

Маълумки, шаҳримиз аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб бериш, узлуксиз газ, электр энергияси билан таъминлаш масалалари доимий диққат марказимизда турган вазифалардир. Биргина мисол, замон ўзи олдимизга қўяётган талаблардан келиб чиқиб, «Тошкент вилояти сув таъминоти» АЖ буюртмачилигида бош пудратчи «ZHONGMEI ENGINEERING G R O U P LIMITED» корхонаси томонидан 29,05 км оқова сув тармоқлари ҳамда 2 та оқова сувларни ҳайдаш насос станциясида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек яна бир бош пудратчи «ALKATAS Insaat AS MESMER EAST» корхонаси томонидан «Байтқўрғон» оқова сувларни ҳайдаш насос иншоотини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Шу кунгача шаҳримиздан ўтган 22 км дан ортиқ оқова тармоқлари таъмирдан чиқарилди.

Қайта тикланувчи энергетика ҳаётимизга дадил кириб келаётгани бугун бор гап. Айниқса, ушбу соҳа ривожига эътиборни ошириш энергия танқислиги сезилаётган айни дамларда айниқса, муҳим аҳамият касб этади. «Яшил энергетика»га ўтиш масаласига тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борада шаҳримизда муайян ишлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан жорий йил бошида «Атроф - муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўтказилган йиғилишда «Яшил» энергиядан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, мавжуд энергия ресурсларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш, айниқса, қуёш панеллари ўрнатиш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтган

инқирози ўз кўланкасини ёйиб, тақчиллик юзага келган тигиз паллаларда ҳамшаҳарларимизни табиатнинг ўзи бизга инъом этган энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват этган бўлар эдим.

Шаҳримизда осмонўпар, ўзига хос меъморий қиёфа кашф этган, эмин-эркин яшаш учун қулай бўлган, замон талабларига тўла жавоб берадиган мухташам бинолар сони тобора ошиб бормоқда. Улар нафақат чиройли ва замонавий, балки, у ерда яратилган барча қулайликлар кўчиб ўтган оилалар вакилларига манзур бўлганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг «Одамлар эртага эмас, яқин келажақда эмас, балки, бугун яхши яшашлари керак» дея тақдор ва тақдор айтадиган пурҳикмат сўзларини ёдга олиш ўринлидир. Мақсадимиз шаҳримизни бунданда обод ва кўркем, замонавий шаҳарлардан бирига айлантириш.

Дарҳақиқат, бугун Чирчиқнинг қайси ҳудудига борманг, кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Ҳатто, турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида бир қарич ери бор хонадон соҳиблари ҳам ҳовли-жойига замон талабидан келиб чиқиб, янгича меъморий кўрк бериш иштиёқи билан банд. Шундай кезларда «Шаҳарнинг қаерида қурилиш ишлари кетаяпти?», деб сўрашнинг ўзи ғалати туюлади кишига. Чунки, шаҳримизда қурилиш ишлари олиб борилмаётган ҳудуднинг ўзи йўқ ҳисоб. Хўш, бу нимадан дарак, ниманинг шарофати, деган савол туғилиши табиий.

Аввало, бу жаннатмакон юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, халқимиз турмуш даражасининг тобора юксалиб бораётгани, одамларимиздаги ҳаётдан завқланиб яшашга бўлган ҳавас ва иштиёқнинг жўшқинлиги инсонларни доимо мана шундай бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ундамоқда, десак тўғри бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, одамлар ҳаётимизда рўй бераётган бу каби ҳаётбахш ўзгаришлар, фаровонлик йўлида амалга оширилаётган ташаббуслардан мамнун, кўнгли хотиржам. Бундай ўлкада яшашнинг ўзига хос гашти бор, деган бўлар эдим.

Улугбек РАСУЛМАТОВ,
Чирчиқ шаҳар ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

МУҚАДДАС КЎРҒОН



Оила азал-азалдан муқаддас кўрғон саналган. Инсон оилада дунёга келади, улғайиб камол топади. Энг аввало, оила мустақам, тинч бўлса, жамият барқарор бўлади. Униб ўсаётган фарзандлар ҳар томонлама баркамол бўлишига имкон яратилади.

Мамлакатимизда оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом оила вужу-

дга келиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш, оила маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларни тизимли босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинган.

Бугунги кунда энг долзарб аҳамият касб этаётган масалалардан бири бу эрта никоҳлар, ёш йигит-қизларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, қариндош-уруғлар ўртасидаги қуда-андачилик муаммосидир. Шунингдек, оилавий келишмовчиликлар, ўзаро жанжаллар оқибатида ёш оилаларнинг бузилиб кетиши ҳам жиддий ташвиш уйғотади. Эрта никоҳларнинг олдини олиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, қайнона-келинлар ўртасидаги келишмовчиликларга йўл қўймаслик борасида оиланинг кексалари, қўни-қўшнилар билан бир қаторда маҳалла фаоллари, оқсоқоллари, шунингдек, ФХДЁ органи, шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими, шаҳар Маънавият ва маърифат бўлими ходимлари ҳамкорлигида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда, касб-хунар коллежларида ҳамда корхона ва ташкилотларда юқоридаги муаммолар ҳақида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида жой-

ларда ташкил қилинган “Ёш оила қурувчилар мактаби”да олиб борилаётган ўқув-машғулотлари эса шахримиздаги оила қуриш бўсағасида турган йигит-қизларимиз учун ҳақиқий маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг вазифалари, тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳмияти, оила мустақамлигининг ижтимоий психологик омиллари, тиббий маданият – соғлом авлод гарови, бола, ота-она ҳуқуқлари, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавзуларида ўқув дарслари, қўлланмалар, буклетлар ёрдамида олиб борилмоқди.

Шаҳримизнинг “Семурғ” маҳалласида жойлашган мактабда куни кеча машғулотларда фаол иштирок этган, оила қуриш оstonасида турган бир гуруҳ ёшларга сертификатлар топширилди.

– Ушбу мактабни ташкил этишдан мақсад, – дейди шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Юлдуз Жумаева, – ёш оила қурувчиларнинг ҳуқуқий

онгини ўстириш, Оила қонунчилиги, унинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи борасидаги етарли маълумотларни бериш, оила жамият устуни эканлиги тўғрисидаги тушунчаларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Айтиш жоизки, “Ёш оила қурувчилар мактаби”нинг фаолияти анча кўзга кўриниб қолган. Мактаб асосан ота-оналар билан ишлайди. Сабаби, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатларини ота-оналар билишлари ва шу бўйича ўзларида тушунчалар ҳосил қилишлари керак. Бу эса машғулотлар давомида амалга оширилади.

Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, ихтиёрий, шунингдек, қонун талабларига асосланган ҳолда бўлса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрў-эътибори баланд бўлади. Ана шундай оила фарзандлари эса комил инсон бўлиб вояга етадилар.

Назokat УМАРОВА,
Республика Маънавият
ва маърифат маркази шаҳар
бўлимси раҳбари

Кўчада кетаётганда қўлингиздаги чиқиндини қаерга ташлайсиз? Махсус чиқинди қутисигами ёки дуч келган ерга иргўтиб кетаверасизми?

Жавоб ҳаммада ҳам бир хил бўлмаслиги табиий, боиси, чиқинди фақат белгиланган жойга ташланганида эди, шахримиз, кўчаларимиз анчайин тоза бўлар, дарактлар ости, ариқлар ичида чиқиндилар уюлиб ётмасди. Афсуски, маиший чиқиндилар билан боғлиқ муаммо инсон қадами етган ҳар қарич ерда учрамоқда.

Бугун дунё миқёсида чиқиндилар муаммоси иқлим ўзгаришлари каби умумбашарий экологик

қарзларнинг юқори эканлиги, бунинг натижасида эса тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган чиқиндини тозалаш корхоналарининг иқтисодий ҳолатининг қониқарсиз ҳолатга тушиб қолиши, соҳада мукамал назорат ва фаол рағбатлантириш механизмларининг мавжуд эмаслиги, шулар жумласидандир.

Маълумки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг Чирчиқ шаҳрига қаратаётган эътибори натижасида шаҳарнинг иқтисо-

ЧИҚИНДИ
ТАШЛАШ ҲАМ
МАДАНИЯТ

муаммолардан бирига айланиб бўлди, десак муболаға бўлмайди. Инсоният борки, яшаш тарзи, ҳаёти давомида албатта, табиатга, атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатади, ана шундай таъсирлардан бири бу чиқиндилардир.

Бироқ, бугунги кунда соҳада бир қатор камчилик ва муаммолар сақланиб қолаётганлиги аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мавжуд маиший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги, соҳада кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик

дий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди ва шаҳар саноат зонасига айланди. Бу эса ўз-ўзидан шаҳар аҳолиси сони ва иш ўринларининг ошишига олиб келади. Аҳоли сонининг ортиб бориши бевосита маиший чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келади ва бунинг натижасида чиқиндихоналарга зарурат туғилади.

Юқоридаги қатор камчиликларни, шунингдек, шахримиз аҳолисига бироз бўлсада, қулайлик яратиш мақсадида “Чирчиқ тонги” газетаси тахририяти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ҳар йили эълон қилинадиган грант танловида қатнашиб, лойиҳа ғолиби бўлди.

Лойиҳанинг мақсади актуал масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, унда Президентимизнинг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини амалга оширишга кўмаклашиш, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини кескин ошириш, чиқиндиларнинг полигонларда тўпланишининг олдини олиш, атроф-муҳитга еткази-

лаётган салбий таъсирни минималлаштириш, “ноль чиқинди” тамойилига эришиш ва айланма иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш, турли тарғибот усуллари (мақола, викторина савол-жавоблар лойиҳаси, тадбир ва учрашув) орқали аҳолининг экологик билим ва малакасини ошириш, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришига, биологик хилма-хилликни сақлаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашга инновацион технологияларни жалб этишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйича қўлга кири-

тилган Давлат гранти асосида шаҳардаги “Ифтихор” маҳалласига ёндош ҳудудда жойлашган “Янги Ўзбекистон” массивида барча қулайликларга эга замонавий чиқиндихона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда, шахримизнинг кўп сонли аҳолисига мурожаат қилишни лозим топдик!

Азиз ҳамшаҳарлар, оз бўлсада чиқинди муаммосига жиддийроқ қараб, экологик маданиятни шакллантиришга, чиқиндиларни саралаш одатини ўз хонадонимиздан бошлашимиз зарур. Зеро, ҳар қарич ер бугун биз, эртага эса фарзандларимиз яшайдиган макон ҳисобланади. Келажак авлодлар учун оптимиздан экологик тоза ва озода маскан қолдиришга ҳаракат қилайлик!

Биз бошладик! Сиз ҳам бизга қўшилиң!

“Чирчиқ тонги” газетаси жамоаси

"Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак."

Шавкат Мирзиёев

БАРКАМОЛ ШАХС – ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТ МАҲСУЛИ

Инсон туғилибдики, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида шакллана бошлайди. Унинг дунёқараши, қадриятлари, ҳиссиётлари ва хулқ-атвори оддий биологик ҳодиса эмас, балки мураккаб психологик жараёнлар маҳсулидир. Шунинг учун юксак маънавиятли, ижтимоий фаол баркамол шахсни тарбиялаш – бу тасодикий эмас, балки чуқур психологик, ижтимоий ва педагогик асосга эга бўлган муҳим жараёндир.

Бир сўз билан айтганда, маънавият – бу инсоннинг ички тамойиллари, қадриятлари ва ахлоқий мезонлари тизимидир. Бу тизим одамнинг ҳаётий танловларига, ижтимоий ролларини бажаришига ва ўзини бошқалар билан солиштиришига бевосита таъсир қилади. Психологик нуқтаи назардан, бу ички “мен” билан ташқи дунё ўртасидаги мувозанатни сақловчи устун ҳисобланади.

Машҳур психолог А. Маслоу ўзининг эҳтиёжлар пирамидасида инсон камолотининг энг юқори чўққиси сифатида “ўзини рўёбга чиқариш” босқичини кўрсатади. Бу босқичга етган инсон ўз салоҳиятини англаган, ҳаётига масъулият билан ёндашадиган, ўзини ва бошқаларни тушунишга қодир, психик жиҳатдан соғлом шахсдир.

Эриксон, Жунг, Рогерс каби олимлар ҳам шахсий камолотни инсон ҳаётининг асосий мақсади сифатида таъкидлайди. Демак, баркамол шахс – бу доимий ўсишга интиладиган, ҳиссий жиҳатдан барқарор, ижтимоий муносабатларга онгли ёндашадиган инсондир.

ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК – ИЧКИ САЛОҲИЯТНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИ

Ижтимоий фаоллик – бу инсоннинг ўз фикрига эга бўлиши, ўз ҳаётига бефарқ бўлмасдан фаол иштирок этишидир. Бу сиёсий ёки ташкилий фаолият билан чекланмайди – бу, аввало, ички мустақил-

лик, ҳаётга эгалик ҳисси, ўзини ифода эта олишдир.

Психологик жиҳатдан ижтимоий фаол шахс ўз “мен”ини тасдиқлайди, ташаббус кўрсатади ва жамиятга ижобий таъсир билдиради. Бундай одамлар муаммоларни эътиборсиз қолдирмайди, балки уларни ҳал қилишга интилади.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛИ

Баркамол шахсни шакллантиришда таълим-тарбия муҳим ўрин тутди. Бола илк ёшидан бошлаб оила, мактаб ва ижтимоий муҳит орқали ахлоқий қадриятларни ўрганади. Ота-она ва устозларнинг роли бу жараёнда беқиёсдир – улар меҳр, ишонч ва намуна орқали бола онгида ижтимоий ва ахлоқий мезонларни шакллантиради.

Бугунги кунда бизга нафақат билим-ли, балки юксак маънавиятли, ижтимоий фаол, ички барқарорликка эга баркамол шахслар зарур. Бундай шахслар жамият тараққиётига ҳисса қўшади, мустақил фикрлайди ва ахлоқий жиҳатдан собитқадам бўлади.

Бунинг учун эса таълим-тарбияда шунчаки билим эмас, балки маънавият, психологик етуклик, ижтимоий масъулиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Фақат шунда биз орзулардаги эмас, ҳаётдаги юксак шахсларни кўра оламыз.

Саодат ЮЛДОШЕВА

Тошкент вилояти — ўзининг бой тарихи, гўзал табияти ва боғу роғлари билан ажралиб турувчи мафтункор манзарали ҳудудлардан биридир. Бу вилоятнинг энг сўлим ва табиий гўзалликларга бой жойлари Чирчиқ шаҳри ҳамда Бўстонлиқ туманида жойлашган бўлиб, у ҳозирги кунда ички ва ташқи туризм нуқтаи назаридан муҳим ўрин тутди.

Айни шу минтақа – Чирчиқ водийсида, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ўтган, халқ орасида “Ариқ ота” номи билан машҳур бўлган Собирхон Сайдахон ўғли ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Тахминан 1770–1830 йиллар оралиғида яшаган бу шахс ҳозирги Чирчиқ шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда фаолият юритган.

Собирхон Сайдахон ўғли сув таъминоти соҳасида халқ учун фидокорона хизмат қилган, қишлоқ жамоаларини бирлаштириб, ариқ ва каналларни бошқариш ишларида етакчи бўлган. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида сув йўллари тартибга солинган, янги каналлар қазилган. Шу сабабли “Ариқ отаси” номини олган ва ҳозиргача маҳаллий аҳоли уни ҳурмат билан эслайди.

Маҳаллий ривоятларга кўра, Собирхоннинг тавсия ва саъй-ҳаракатлари билан Чирчиқ шаҳри атрофидаги сув тармоқлари янгидан ташкил этилган. Расмий тарихий манбаларда у ҳақида маълумотлар кам бўлса-да, халқ оғзаки ижоди ва маҳаллий тарихчиларнинг ёзма ва оғзаки манбаларида унинг номи тез-тез тилга олинади. У оддий деҳқон оиласида туғилиб, ёшлигидан ер ишлари ва сув иншоотлари билан шуғулланган. Табиий зеҳни ва раҳбарлик қобилияти туфайли у қисқа вақт ичида маҳаллий жамоалар орасида етакчи мақомини эгаллаган.

У ўз фаолияти давомида сув тақсими, каналлар ва ариқларни тозалаш, янги сув йўлларини қуриш ишларини ташкил этган. Ривоятларга кўра, у халқ-



АРИҚ ОТАСИ

ни бирлаштириб, Чирчиқ бўйидаги сув танқислиги муаммоларини самарали ҳал этган. Айниқса, ҳозирги Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ туманлари оралиғидаги эски ариқ тармоқлари – “Собирхон ариғи” ва “Сайхон канали” каби номлар ҳануз аҳоли оғзида унинг номи билан боғланади.

Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги қадимий ариқлар – Чирчиқ дарёсидан сув олиб, қишлоқларга етказувчи табиий сув йўллари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг қурилишида Собирхон Сайдахон ўғлининг улкан ҳиссаси бор. Айрим манбаларда бу ариқлар Чирчиқнинг қадимги сув тақсимот тизимининг бир қисми бўлгани, кейинчалик замонавий каналлар тизимига қўшиб юборилгани таъкидланади.

Афсуски, собиқ совет давридаги реконструкциялар натижасида кўпгина қадимий сув тармоқлари йўқолиб кетган, улар билан боғлиқ тарихий номлар эса жамият хотирасидан сўниб борган. Шунга қарамай, тарихчи ва тадқиқотчилар томонидан бундай шахсларнинг номини қайта тиклаш, улар ҳақида мақолалар ёзиш орқали миллий тарихимизга муҳрлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, тарих унут бўлмаслиги керак. У ўрганилади, ёзилади ва келажак авлодлар учун сақланади.

Маъфуза САЪДУЛЛАЕВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси

АДОЛАТ МЕЗОНИ ҚАЙТА ШАКЛЛАНМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда судлов тизимида ўзгаришлар ва турли ислохотлар жуда кўп. Қонуннинг айрим қоидаларини – либераллаштириш, оғир жазо турларини енгил турларига алмаштириш – шулар жумласидан. Хўш, олиб борилаётган ишлар ва ислохотлар қандай натижа бермоқда? Бу масала юзасидан Чирчиқ шаҳар Жиноят ишлари бўйича суд раиси Хайрулло ака Камолов билан суҳбатлашдик.

– Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар аҳоли ҳаётида қандай роль уйнамоқда? Сизнинг фикрингизча, бугун суд чиндан ҳам адолат масканига айландими?

– Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнларда, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилапти. Суд органларининг мустақиллиги кучайтирилиб, судьялар танлов тизимида шаффофлик таъминланмоқда. Шу билан бирга, рақамлаштириш жараёнлари ва “бир дарча” тамойили асосида тезкор ва одил судлов тизими шаклланиб бормоқда. Шикоятларни кўриб чиқиш муддати қисқарди. Бироқ, шунга қарамай, суд адолати қониқарли даражада шаклланган деб бўлмайди. Адолат фақат қонунда эмас, уни амалда ҳам татбиқ этиш зарур.

– **Жиноят ишлари бўйича судларда қандай ўзгаришлар мавжуд?**

– Жиноят ишлари бўйича судлар фақат тегишли процес-

суал тартибда олиб борилган суриштирув ёки дастлабки тергов натижаларига асосланган ҳолда эълон қилинган айблов бўйича тузилган далолатнома ёки айблов хулосаси прокурор томонидан тасдиқланганидан сўнг судга юборилган жиноят ишлари кўриб чиқилади. Бундай тартиб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айбсиз шахслар жазога тортилишининг олдини олиш ва адолатни амалда қарор топтиришга хизмат қилади.

Жиноят ишлари бўйича судларда тергов судьялари институти фаолият юритади. Дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим сўзлашувларни тинглаш, тинтув ўтказиш, мулкка тегишли тақиқлар қўйиш каби тадбирларга рухсат бериш ёки рад этиш – тергов судьясининг ваколатига киради.

Айрим маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари, хусусан, ички

ишлар ёки солиқ органлари томонидан тайёрланган протоколлар бўйича ишлар ҳам жиноят ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади. Бундай ишлар ҳуқуқбузарликларни содир этган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ҳал этилади.

– **Кўпинча фуқароларимиз тергов судьялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўриб чиқилса, демак, маъмурий ишларни ҳам шу судья кўриб чиқиши мумкин, деб ўйлайдилар. Буларнинг фарқи нимадалиги ҳақида тушунча берсангиз?**

– Жуда долзарб савол – фуқароларимиз орасида бу борада тушунмовчиликлар кўп учрайди. Аслида, бу – нотўғри. Бунинг учун “маъмурий ҳуқуқбузарлик” ва “маъмурий низо” тушунчаларини яхши англаш зарур.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу қонун билан белгиланган ижтимоий тартибни бузувчи, аммо жиноят даражасига етмаган ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Маъмурий низо эса фуқаро (ёки юридик шахс) билан давлат органи (ёки мансабдор шахс) ўртасида юзага келадиган, давлат ҳокимияти қарорларига, ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиққан ҳуқуқий келишмовчиликдир.



– Тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари бузилиши эҳтимоли юқори бўлган тазйиқ, ноқонуний сўроқ ҳолатлари нотўғри қарор чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода, ҳозирги кунда тергов судьяси жисмоний ва руҳий тазйиқлар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиши мумкинми?

– Жиноят – процессуал кодексида тергов судьясига бир қатор ваколатлар берилган бўлса-да, ҳозирги кунда жисмоний ва руҳий тазйиқлар юзасидан мурожаатларни мустақил кўриб чиқиш бўйича тўлиқ шаклланган механизм мавжуд эмас. Бироқ тергов судьяси янги ҳуқуқий институт сифатида ривожланиш жараёнида ва унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли динамик тарзда такомиллашиб бормоқда.


– **Жиноий жазолар тизимида озодликни чеклаш жазоси кўп қўлланиладиган чоралар**

сирасига киради. Дейлик, тунги сменада ишлаётган шахс ишда бўлган вақтида пробация ходимлари томонидан келиб текширилса, бу суд томонидан ўрнатилган чекловларни бузиш ҳисобланадими?

– Озодликни чеклаш – шахснинг махсус муассасада эмас, балки жамиятда яшаш шароитида тартибга солинадиган чорадир. Унда суд томонидан белгиланадиган аниқ чекловлар мавжуд. Масалан: доимий яшаш жойини тарк этмаслик, маълум вақтда уйда бўлиш мажбурияти, Пробация хизмати назоратида бўлиш, спиртли ичимликлар истеъмоли ва муайян жойларга бормаслик ва ҳ.к.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

Максим ГЮЛАХМЕДОВ,
“Умид қанотлари”
жамоаси раҳбари



Ёз мавсуми келиши билан бозор ва дўконлар пештахталари турли хил мевалар билан безанади. Бу фаслда табиат инсонларга бебаҳо неъматлар – витаминларга бой, серсув ва сернам меваларни ҳадя этади. Улар нафақат таъми билан хурсанд қилади, балки соғлом турмуш тарзи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ёзда танадаги суюқлик тез йўқотилади, шунинг учун организмни намлашга ёрдам берадиган меваларни рационимизга киритиш жуда фойдали. Ҳар куни мева ва сабзавотлардан истеъмол қилиб туриш саломатлик учун қони фойда. Бироқ мевалардаги табиий шакар миқдорига ҳам эътибор бериш зарур – миқдор меъёридан ошмаслиги лозим.

Қуйида ёз фаслининг энг оммабоп мевалари ва уларнинг фойдалари билан танишишингиз мумкин:



Кулупнай

Кулупнай нафақат мазали, балки жуда фойдали ҳам. У фоллий кислотаси, С витамини, селен, фосфор ва калийга бой. Бу моддалар организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлайди, саратон ва юқумли касалликларга қарши курашади.



Шафтоли

Калийга бой шафтоли организмдаги шишларни камайтиради, қон босимини пасайтиради. Овқат ҳазм қилишга ёрдам беради ва саратонга қарши курашишда унинг фойдаси ниҳоятда катта.




Узум

С витамини ва калий манбаи бўлган узум ҳазм тизимини тартибга солади, иммунитетни мустаҳкамлайди ва юрак қон-томир тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, организмни инфекциялардан ҳимоя қилади.



Яшил олхўри

Баҳордан бошлаб пайдо бўладиган яшил олхўри А ва С витаминлари, шунингдек, калий ва тоналарга бой. У овқат ҳазм қилишни яхшилайди, холестерин даражасини барқарорлаштиради.



Ёзги меваларни меъёрида ва мунтазам равишда истеъмол қилиш орқали соғлигингизни қўллаб-қувватлашингиз, иммунитетингизни мустаҳкамлашингиз мумкин. Шунингдек, табиий ва фойдали озиқлар билан организмни қиш мавсумига тайёрлаш мумкин. Энг муҳими – табиат неъматларидан оқилонга фойдаланинг.

ЁЗ МЕВАЛАРИ ВА ҲОЙДАЛАРИ

MEHNAT – UMRGA FAYZ, XONADONGA BARAKA

Ko'p yillar "Maxam-Chirchiq" korxonasida mehnat faoliyatini yuritgan Yuldosh aka Yusupov 1974 yilda tug'ilgan, 8-sinfni tugatgan qizi Ra'noni shu korxonaga ishga kirishini maslahat berdi. Yoshgina, hali hech qanday tajribaga ega bo'lmagan qiz shu yerda katta hayot maktabini o'tay boshladi.

Dastlab, u yog'ochga ishlov berish sexida 1990-yilgacha o'z tajribasini oshirib bordi. Zahmatkashligi va mas'uliyati bilan jamoadoshlarining hurmatini qozondi. 2001-yildan esa uning ish faoliyatida yangi bosqich boshlandi: u katalizator sexiga ishga o'tdi. Bu yerda kimyoviy moddalar bilan ishlashning zararlilik darajasi o'ta yuqori, mehnat sharoiti ancha og'ir edi. Shu bois, bu sexdagi ish jarayonlari mas'uliyat va ehtiyotkorlikni talab etadi. Shunday bo'lishiga qaramay, Ra'no Yusupova o'z ishini uddasidan chiqib, hozirgacha ushbu sexda shijoat bilan ishlab kelmoqda.

Katalizator sexining asosiy vazifasi – turli kimyoviy mahsulotlarni tabletka ko'rinishida tayyorlashdan iborat. Bu jarayon bir necha bosqichda amalga oshiriladi: prokolka qilingan

mahsulotlarga tarkibiga qarab, avvalo, maxsus grafit va suv aralashtiriladi. So'ng maydalangan massa laboratoriya tekshiruvidan o'tkaziladi. Maydalanganlik darajasi va namligi to'liq tekshirib chiqiladi. Laboratoriyadan o'tgan xomashyo maxsus mashinalar yordamida pechlariga joylanib, tabletka ko'rinishida shakllantiriladi. Tayyor mahsulot sifatli bo'lishi uchun uning mustahkamligi davlat standarti talablariga javob berishi shart. Masalan, har bir tabletkaning mustahkamligi 9-11 birlik oralig'ida bo'lishi lozim. Bu ko'rsatkich mahsulotning uzoq muddat samarali ishlashi uchun juda muhim.

Katalizator sexida hozirda 120 nafar ishchi fidokorona mehnat qiladi. Ular orasida bir-birini qo'llab-quvvatlab, bir oiladek ishlash odat tusiga kirgan. Ra'no Yusupova



Ilg'orlar haqida hikoyalar

ham ana shu jamoaning qadrlari va mehnatkash a'zosi sifatida obro' topgan. Shu tariqa, yog'ochga ishlov berish sexidan ish boshlagan Ra'noning mehnat yo'li yuksak mas'uliyat talab qiladigan kimyoviy mahsulotlar tayyorlashgacha borib yetdi. Bu inson samimiyligi va mehnatsevarligi tufayli hamkasblarining hurmatiga sazovor bo'ldi.

U hayotda ko'p sinovlarni boshidan o'tkazdi. Og'ir iqtisodiy sharoit, kundalik turmush tashvishlari va ko'plab qiyinchiliklar uni sindira olmadi. Yolg'iz o'zi o'g'li Umidni tarbiyalab voyaga yetkazmoqda. Ona va o'g'il birgalikda halol mehnati bilan hayot yo'llarini davom ettirib kelishmoqda. Ra'no Yusupovadek onalar – jamiyatimizning tirgaklari.

Ular turmush sinovlariga chidamli, farzandlariga namuna va Vatanimiz kelajagi yo'lida mehnat qilayotgan haqiqiy qahramonlardir.

Hikoyamiz qahramonining kelajakdagi orzulari katta. O'g'li Umidni uyantirib, xonadonga kelin olish, yoshlar uchun alohida uy qurish niyati bor. Shu bilan birga, nevaralar ko'rib, ularni bag'riga bosish va umri davomida orzu qilib kelgan umra safariga o'g'lining qo'llab-quvvatlashi orqali borishni istaydi.

Hech shubhasiz, fidokorona mehnat qilayotgan, halol niyat bilan yashayotgan ayolning orzulari albatta, ro'yobga chiqadi. Chunki mehnatdan qochmagan insonning niyatlari shaksiz ijobat bo'ladi.

Saodat MUSAYEVA

KASBIY (IJODIY) IMTIHONLAR BOSHLANDI

Shunday kasb va mutaxassisliklar bo'ladiki, ularni egallash uchun bilimning o'zi kamlik qiladi. Shu ma'noda mamlakatimizdagi qator oliy o'quv yurtlarida kasbiy (ijodiy) imtihoni mavjud bakalavriat ta'lim yo'nalishlari belgilab berilgan. Bundan ko'pchilikning xabari bor.

Joriy yil 7-iyul sanasidan boshlab butun respublikamiz bo'ylab kasbiy (ijodiy) imtihoni mavjud bakalavriat ta'lim yo'nalishlarida imtihonlar boshlandi. Jumladan, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetida ham. Bizning oliy o'quv yurtimizda abituriyentlardan kasbiy (ijodiy) imtihonlarni olish jarayonlarining o'ziga xos tomonlari nimalardan iborat? Quyida ana shu savollarga javob beramiz:

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetida kasbiy (ijodiy) imtihonlar belgilangan 51 ta sport turidan tasdiqlangan aniq mezonlar asosida qabul qilinadi. Ushbu jarayonning adolatlari va shaffof o'tishini ta'minlash maqsadida tegishli sport federatsiyalari (assotsiatsiyalari)dan 61 nafar

tajribali mutaxassis va murabbiylar, universitetdan 82 nafar professor-o'qituvchi hamda sport ta'lim muassasalaridan 48 nafar tajribali murabbiylar jalb etilgan.

Kasbiy (ijodiy) imtihonlar jarayonida har bir abituriyentning iqtidori, jismoniy tayyorgarligi, texnik va taktik ko'nikmalari xolis va aniq mezonlar asosida baholanishi qat'iy nazoratga olingan. Imtihon natijalari yagona ERP sport platformasi orqali real vaqt rejimida planshetlar yordamida kiritiladi va har bir abituriyentning shaxsiy natijasi avtomatik ravishda ro'yxatdan o'tkazilgan mobil telefon raqamiga SMS ko'rinishida yuboriladi.

Imtihonlar 2025-yil 18-iyul sanasiga qadar Universitet hamda Toshkent shahri, Toshkent viloyati va Nukus shahridagi sport inshootlarida o'tkaziladi. Kasbiy

(ijodiy) imtihonlar o'tkaziladigan sport inshootlari ro'yxati va ularning manzili to'g'risidagi ma'lumotlar <https://www.jtsu.uz> saytida to'liq ko'rsatilgan. (https://t.me/uzdjtsu_rasmiy/28623)).

Kasbiy (ijodiy) imtihonning aniq sanasi, vaqti va manzili har bir abituriyentning my.uzbmb.uz saytidagi shaxsiy kabinetiga yuboriladi.



Yuqoridagilarni inobatga olib, abituriyentlardan:

o'zlarining shaxsiy kabinetlari orqali kasbiy (ijodiy) imtihonlarda ishtirok etish ruxsatnomasini yuklab olishlari;

ruxsatnomada belgilangan muddat va manzilga imtihon boshlanishidan bir soat oldin yetib borishlari so'raladi.

Ibrohim Sarimsoqov
O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti
Jamoatchilik bilan aloqalar bo'limi boshlig'i

RASSOM HANDASI



E'lon

Chirchiq shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Rimma Chumarina tomonidan Ibadlayeva Elmira Serverovna nomiga rasmiylashtirilgan 2021-yil 27-iyuldagi № 202101949001420-raqamli Vasiyatnoma bo'yicha vorislik haqidagi guvoohnoma yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.



Muassis:

Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI



“Chirchiq tongi” gazetasi tahrir hay'ati:

Murodjon ABDURAHIMOV
(tahrir hay'ati raisi)
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatbek MAMAJONOV
Ibrohim HASANOV
Saodat MUSAYEVA
Ilhom ASADOV

Bosh muharrir:

Iroda MUHAMMAZIZOVA

Gazetaga 1932-yilda asos solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida 03-024 raqam bilan ro'yxatga olingan

Manzilibiz: 111700,
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar

Adadi: 3000 nusxa.
Hajmi - 1,5 bosma taboq.
Qog'oz bichimi A-3. Ofset usulida bosilgan. Bahosi kelishilgan narxda
ISSN 2181-7170

Telefonlar:
Qabulxona:
71-71-5-36-40.
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
71-71-5-00-14
Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.
Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida
Xatira YUSUPOVA
tomonidan sahifalandi

Navbatchi:
Malika RISKIDINOVA

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama materiallaridagi dalillar va faktlarga tahririyat javobgar emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA UYI» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq tumani,
Mash'al mahallasi, Markaziy ko'cha, 1-uy.
Buyurtma №

YOSHLIK

Yoshlik nima – olovlagan o't, Yuragingda limmo-lim sevging. Qalbing to'la orzular yonar, Tulpor misol chopqilar ko'ngil.

Maysalarni sevdirdan yoshlik, Gul hidini tuydirgan yoshlik. Atrofdagi hamma chiroyini, Yuragingga sig'dirgan yoshlik.

Goho shoir bo'lg'ing keladi, Munchoq kabi tizib so'zlarni. Osmonlarda uchib yuradi, Xayollaring go'zal izlari.

Aro yo'lda qoldi tuyg'ular, Bo'yoqlari ketti chaplanib. Yuragingga armonlar yoqar, Yoshlik – misol olovdek yonib.

Bu tuyg'ular o'tkinchi bari, Sochda qirov, yuzlarda ajin. Lekin uzoq ketgani sari, Yuragingga cho'g' solar sekin...
Uzipa BEKMURATOVA

TUTINGAN "O'G'IL"

(Bir do'stimning iqrori)

Amal kursisida o'tirganingda kim eng ko'p tovoningni yalasa, kursidan tushganingda o'sha birinchi bo'lib sendan yuz o'giradi, deganlari qanchalik to'g'ri ekaniga o'zim ishonch hosil qildim.

Bir qadrdonim bor edi. Kun ora qo'ng'iroq qilib, haftada kelib turar, shifoxonaga tushib qolsam, "ovora bo'lmang", deyishimga qaramay, hammadan avval yetib borar, ta'til paytida O'zbekistonning qaysi burchagida dam olmay, topib borar, "bir cho'qingina" osh qilmasa, ko'ngli joyiga tushmas edi... Bunisi ham mayli, ikki gapning birida: "men sizni otam deganman, siz mening otamsiz", deb, Xudoni o'rta qasam qasam ichardi...

Mansabim jinday o'zgargan edi, "bolamni" yo'qotib qo'ydim. Surishtirsam, boshqa ota izlab yurgan ekan...

O'tkir HOSHIMOV